

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил июль ойининг 22 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья Ш.Амиров, судья ёрдамчиси А.Утбасаров, тарафлардан давлат айбловчиси Бектемир туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ш.Йўлчиева, судланувчи Э.Туйчиев, ҳимоячи “BAKHROMJON TAYANSH” адвокатлик бюроси адвокати Б.Гафуровларнинг иштирокида, Туйчиев Элёржон Бахтиёржон ўғлига нисбатан 1-1010-2403/354-сонли ишни кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Туйчиев Элёржон Бахтиёржон ўғли (Tuychiev Elyorjon Baxtiyorjon o'g'li), 1999 йил 8 февраль куни Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, муқаддам;

1). Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2022 йил 24 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

2). Жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг 2023 йил 27 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисми

“б” билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 60-моддасига асосан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2024 йил 24 январдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 4 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар, “Афғонбоғ” м.ф.й, Эзгулик кўчаси, 58-уйда яшайди, иш бўйича “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 12 июнь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:



Судланувчи Э.Туйчиев, 2024 йил тахминан 4 март куни турмуш ўртоғи Холматова Юлдузхон Акмалжон қизи билан Тошкент шаҳрига келиш мақсадида, Фарғона вилоятидаги маҳаллалардан биридан “лўли” миллатига мансуб номаълум шахсдан 150.000 сўм эвазига уч бўлакга бўлинган “чарс” гиёҳвандлик воситасини харид қилиб, сўнг ушбу гиёҳвандлик воситасини автомашина ичида уни кутиб ўтирган турмуш ўртоғи Ю.Холматовага ушбу моддаларни ёнида сақлаб туришини айтиб, унга тутқазиб, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳридаги Тошкент шаҳрига ҳаракатланувчи автомашиналар тураргоҳига бориб, у ерда ўзига тегишли бўлган “Nexia” русумли, 40 О 110 FA давлат рақамли автомашинасида, Тошкент шаҳрига йўл олиб, соат тахминан 15:30 ларда, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани ҳудудида жойлашган “Шарқ” ЙПХ масканига етиб келган вақтида, шу ерда хизмат фаолиятини олиб бораётган ИИО ходимлари томонидан автомашина тўхтатилиб, икки нафар холислар иштирокида автомашинада бўлган йўловчилар, автомашина салони ва юкхонаси ҳамда ҳайдовчининг ўзи кўздан кечирилганида, автомашинада бўлган Ю.Холматованинг эғнидаги сарғиш рангли пальтосининг ташқи чап томон чўнтагидан уч дона полиэтилен пакетчаларга ўралган жигаррангли, ўткир хидли, мумсимон моддалар аниқланиб, мазкур моддалар холислар иштирокида тегишли тартибда нарсани олиш баённомаси билан расмийлаштириб олинган.

Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМнинг 2024 йил 7 мартдаги 926-сонли хулосасига кўра, Э.Туйчиевга тегишли эканлиги аниқланган моддалар таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу моддалар “гашиш” деб аталиши ва уларнинг умумий оғирлиги 1,0 граммга тенглиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил

27 октябрдаги 878-сонли қарорига асосан “Гашиш” гиёҳвандлик моддаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомаласи таъқиқланган гиёҳванд воситалар туркумига киришлиги кўрсатиб ўтилган.

Суд мажлисида судланувчи Э.Туйчиев судда айбига иқроп бўлиб,

у  
2024 йил 4 март куни турмуш ўртоғи Ю.Холматова билан бирга, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, “Халқобод” қишлоғидаги парранда ва ҳайвонларидан хабар олиб келиш



мақсадида, шу куни эрталаб Тошкент шаҳрига акасига тегишли давлат рақами белгиси 40 О 110 ҒА бўлган, “Нексия” русумли автомашинада йўлга чиқишидан олдин, уйи ёнидаги нотаниш бўлган “лўли” миллатига мансуб шахс билан учрашиб, ундан 150.000 сўм эвазига “чарс” гиёҳвандлик воситасини сотиб олиб, ушбу гиёҳвандлик воситасини турмуш ўртоғига тутқазиб, моддалар ёнида туриб туришини, келгусида ушбу моддаларни ўзи қайтариб олишини айтиб, турмуш ўртоғи билан бирга Қўқон шаҳридаги Тошкент шаҳрига ҳаракатланувчи автомашиналар тураргоҳига бориб, Тошкент шаҳрига кетадиган икки нафар эркак ва бир нафар аёл кишини, автомашинасига олиб, соат тахминан 15:30 ларда, Тошкент шаҳрига кириб келишдаги “Шарқ” ЙПХ масканига етиб келганида, шу ерда бўлган ИИО ходимлари автомашинасини тўхтатишиб, ундан автомашинани бошқариш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларини сўрашганлигини, ИИО ходими ҳужжатларни текшириб, ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишини олдини олиш мақсадида кенг қамровли тадбир бўлиб ўтаётганлигини, шу сабабли, уни ва йўловчиларнинг ёнлари ҳамда автомашина салон ва юкхона қисмини кўздан кечиришлари зарурлигини айтиб, икки нафар холислар иштирокида ёнида бўлган барча буюмларни тақдим қилганидан сўнг, турмуш ўртоғи Ю.Холматовани алоҳида хонага олиб кириб, уни аёл киши текшириши зарурлигини маълум қилишганлигини, улар хонага кирганида, хонада турмуш ўртоғининг эғнидаги пальтосининг ташқи чап чўнтагидан у сақлаб туриши учун берган “чарс” гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланганлигини, ИИО ходимлари аниқланган моддани нима эканлиги ва кимга тегишли эканлигини сўрашганида, турмуш ўртоғи ушбу модда унга тегишли эканлигини маълум қилиб, ушбу моддани унга бериб қўйганлигини, сўнг улар билан суриштирув ишларини олиб боришганлигини, у ИИО ходимларига ҳақиқатни айтиб, яъни турмуш ўртоғидан аниқланган модда аслида ўзига тегишли эканлигини, гиёҳвандлик воситасини турмуш ўртоғига сақлаб туриш учун топширганлигини маълум қилганлигини, ҳозирда айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонда эканлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Ю.Холматова суд мажлисида қўйидагиларни, яъни у 2024 йил 4 март куни турмуш ўртоғи Э.Тўйчиев билан бирга ишлаш мақсадида Тошкент шаҳрига кетмоқчи бўлиб, турмуш



Ўртоғининг акасига тегишли давлат рақами 40 О 110 ҒА бўлган, “Нексия” русумли автомашинада Тошкент шаҳрига йўлга чиқиб, уйдан узоқ бўлмаган уй олдида тўхтаб, турмуш ўртоғи ушбу уй томонга югуриб кириб кетиб, орадан тахминан 10-15 дақиқа ўтиб қайтиб келиб, кўлида бўлган номаълум буюмни унга тутқазиб, ёнида туриб туришини маълум қилганида, у турмуш ўртоғидан ушбу буюм нима эканлигини сўраганида, иши бўлмаслигини айтиб, унга бақирганида, унинг кўлидан олиб, эғнидаги пальтосининг ташқи чап чўнтагига солиб қўйганлигини, сўнг турмуш ўртоғи билан бирга, Қўқон шаҳридаги Тошкент шаҳрига ҳаракатланувчи автомашиналар тураргоҳига бориб, у ердан Тошкент шаҳрига кетмоқчи бўлган икки нафар эркак ва бир нафар аёл кишини олиб, Тошкент шаҳрига ҳаракатланиб келишганлигини, соат тахминан 15:30 ларда, Тошкент шаҳрига кириб келишда бўлган “Шарқ” ЙПХ масканидан ўтаётган вақтида, шу ерда хизмат олиб бораётган ИИО ходимлари автомашинани тўхтатишиб, турмуш ўртоғидан ҳайдовчилик гувоҳномаси ва бошқа ҳужжатларини тақдим қилишини сўраб, ҳозирда Тошкент шаҳрида ноқонуний буюмлар ва гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний айланишини олдини олиш мақсадида, кенг қамровли тадбир бўлаётганлигини, шу сабабли автомашина ва ундаги йўловчиларнинг ёнларини текширишлари зарурлигини айтиб, икки нафар холислар иштирокида, ёнида бўлган барча буюмларни тақдим қилишини сўраганида, турмуш ўртоғи ва автомашинадаги шахсларнинг ёнидан ҳеч қандай ноқонуний буюмлар аниқланмаганлигини, бироқ у, ёнида бўлган турмуш ўртоғи унга бериб қўйган буюмни ИИО ходимларига тақдим қилганидан сўнг, ИИО ходимлари ушбу модда нима эканлигини ва кимга тегишли эканлигини, нима сабабдан ёнида сақлаб юрганлигини сўрашганида, бу модда нима эканлигини ва қандай қилиб унинг пальтосининг ичига кириб қолганидан хабари йўқлигини маълум қилганида, уларни ИИО ходимлари ЙПХ масканининг хизмат хонасига олиб кириб, ушбу модда унинг ёнидан аниқланганлиги сабабли, унинг хатти-ҳаракатида ноқонуний буюмларни ёнида сақлаш жинояти аломатлари мавжудлигини айтишганидан кўрқиб, ушбу модда турмуш ўртоғига тегишли эканлигини, ўзига тегишли модда эмаслигини маълум қилганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида тарафларнинг розилиги билан дастлабки тергов даврида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган



Ж.Хамидуллаен ва Ш.Мадаминовларнинг кўрсатувлари ўқиб эшиттирилди.

Судланувчи Э.Туйчиевнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби, мазкур жиноятни содир этганликдаги айби, шахсни ва автомашинани тинтув қилиш ва далилий ашёларни олиб қўйиш ҳақидаги баённома, ўтказилган судга оид кимёвий ва судга оид наркологик экспертизаларнинг хулосалари, жиноят ишига илова қилинган фото жадваллар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Э.Туйчиевнинг *“илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат бўлган жиноятни содир этган шахс томонидан, гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда эгаллаш, сақлаш ва ташишда”*дан иборат жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида *“жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади. Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас”*лиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил

3 февралдаги *“Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”*ги Қарорининг 1-бандида таъкидланишича: *“судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилсин”*; шу Қарорнинг



3-бандида:- “Жиноят Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Э.Туйчиевга жазо белгилашда унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топади.

Суд, судланувчи Э.Туйчиевга жазо тури ва миқдорини танлашда Ўзбекистон Республикаси ЖК 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларидан келиб чиқиб, судланувчининг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланиб, ўзига тегишли хулоса чиқармай, жазони ўташ чоғида қасддан яна мазкур жиноятни содир этганлигини ҳисобга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси

ЖК 276-моддасининг 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, шунингдек, у муқаддам жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг 2023 йил 27 мартдаги ҳукми билан судланиб, мазкур жиноятни жазони ўташ даврида содир этганлигини ҳисобга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддалари тартибда ҳар хил турдаги жазоларни қисман қўшиш йўли билан жазо тайинлашни лозим топади.

Шу билан бирга суд, наркологик экспертизасининг 2024 йил

2 апрелдаги 805-сонли хулосасига кўра, Э.Туйчиев гиёҳванд ва мажбурий даволанишга муҳтож эканлиги аниқланганлиги сабабли, ЖКнинг 96-моддасига асосан унга жазони ўташ даврида гиёҳвандликдан мажбурий даволаниш чорасини қўллашни лозим топади.



Суд, ашёвий далил деб эътироф этилган суд-кимёвий экспертизаси тадқиқотидан сўнг қолган, Ўзбекистон Республикаси ДХХнинг МТХБда сақланаётган умумий оғирлиги 0,94 граммни ташкил этган “гашиш” гиёҳвандлик моддасини йўқ қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига асосан, суд

### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Туйчиев Элёржон Бахтиёржон ўғли (Tuychiev Elyorjon Bahtiyorjon o'g'li), Ўзбекистон Республикаси 276-моддаси 2-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан 3 (уч) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида мазкур ҳукм билан тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг 2024 йил 27 мартдаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмай қолган жазо муддатини қисман қўшиб, узил-кесил ўташлик учун 3 (уч) йил 1 (бир) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони манзил - колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 22 июлдан ҳисоблансин.

Судланувчи Туйчиев Элёржон Бахтиёржон ўғлига нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, у дарҳол суд залида қамоққа олинсин ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖИЭД қарашли 1-сонли тергов ҳибсхонасига жойлаштирилсин.

Э.Туйчиевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан жазони ўташ даврида гиёҳвандликдан даволаниш бўйича тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўллансин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган суд-кимёвий экспертизаси тадқиқотидан сўнг қолган, Ўзбекистон Республикаси ДХХнинг МТХБда сақланаётган умумий оғирлиги 0,94 граммни ташкил этган “гашиш” гиёҳвандлик моддаси йўқ қилинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум томонидан эса унга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан бошлаб, ушбу муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг



жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

Ш.Амиров

**Маъсул судья: Амиров Шерзод Мамарашидович**



Ҳужжат имзоланган: Амиров Шерзод Мамарашидович, 22.08.2024

